

Сайёр қабул-муаммолар ечими!



Инсон ҳаётда ҳамиша бахтли яшасам, дейди. Турмушининг фаровон бўлишини, орзу-ниятларининг ушалишини истайди, ҳеч кимдан кам бўлмасликка интилади. Зотан, унинг бунга тўла ҳаққи бор.

Ҳудудларда Инсон қадрини улуғлаш ва аҳоли муаммоларини ўрганиш ҳамда уларни ижобий ҳал қилиш мақсадида, мунтазам сайёр қабуллар ўтказилиб келинмоқда.

Туман Ички ишлар бўлими бошлиғи, ўринбосари 3- сектор ҳудудидаги “Хўжақия 1” маҳалласида бўлиб, ёшлар ва аҳоли вакиллари билан учрашув сайёр қабул ўтказди.

Сайёр қабулда қатор мурожаатлар келиб тушди. Айрим муаммолар манзилнинг ўзида ижобий ечим топган бўлса, қолган мурожаатлар тегишли масъулларга йўналтирилди ва ижроси назоратга олинди.

Шунингдек, қабул давомида келиб тушган масалалар бўйича сектор раҳбари томонидан мурожаат жойига чиқиб ўрганилди ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.